

# Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғининг тупроқ қоплами структураси картаси ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда унинг аҳамияти

Ширин Зоиржон қизи Каримова  
Урганч давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғининг тупроқ қоплами делта шароитида табиий мелиоратив шароити шаклланишида рельефнинг аҳамияти катта. Худудда рельефнинг шаклланишида йер усти сув оқими ва мелиоратив шароитини ўзаро боғлиқлигини очиб беришда лито-морфопедогенез жараёнининг ролини ўрганиш муҳим. Дельта шароитида табиий-мелиоратив шароитнинг шаклланишида дельтада рўй берган лито-морфопедогенез жараёнининг роли катта. Рельеф пластикаси картаси ана шу жараённи вужудга келишига сабабчи бўлган ер усти сув оқими ролини ўрганишда ягона усуидир.

**Калит сўзлар:** рельеф, тупроқ қоплами, тупроқ қоплами структураси, суғориладиган ўтлоқ ва суғориладиган - ботқоқ тупроқлар, ўтлоқ, ўтлоқ-тақирли тупроқлар, лито - морфо - педогенез жараёни

## Map of the structure of the soil cover of the left bank of the current Amudarya delta and its importance in the rational use of land resources

Shirin Zoirjon kizi Karimova  
Urganch State University

**Abstract:** In this article, the relief is of great importance in the formation of the natural melioration conditions of the soil cover of the left bank of the current Amudarya delta in delta conditions. It is important to study the role of the litho-morphopedogenesis process in revealing the interdependence of surface water flow and meliorative conditions in the formation of the relief in the area. The litho-morphopedogenesis process that took place in the delta has a great role in the formation of natural-ameliorative conditions in the delta. The relief plastic card is the only method used to study the role of surface water flow in causing this process.

**Keywords:** relief, soil cover, soil cover structure, irrigated meadow and irrigated - marshy soils, grassland, meadow - barren soils, litho - morpho - pedogenesis process

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда ва уларни муҳофаза қилишда авваламбор ана шу худуднинг шу худуднинг тупроқ қоплами структурасини ҳар томонлама кўрсатган тупроқ карталарига боғлиқ. Рельеф пластикаси усули асосида тузилган тупроқ қоплами структураси картаси тупроқ турларининг рельеф элементлари билаи боғлиқлигини кўрсатувчи маҳсус тематик карталаридир. Бу типдаги тупроқ карталари. XX-асрнинг машхур тупроқшунос олимаси М.А.Глазовскаяяниг (1969) қуйидаги гапларини тасдиқлайди: Тупроқ қоплами структураси - тупроқларнинг рельеф элементлари билан бириквидир. Бошқача қилиб айтганда. тупроқ қоплами структураси картаси тупроқ турларининг рельеф структураси билан боғлиқлигидир.

Бизга маълумки, Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғонининг тупроқ қоплами структураси ва уларни тематик карталарда тасвиrlаш тадқиқотлари маҳсус олиб борилмаган. Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғи ўзининг табиий - географик шароити ва ер юзининг ички тузилиши, яъни структураси билан дельтанинг ўнг қирғонидан тубдан фарқ килали. Маълум бир худуднинг. шу жумладан дельта чап қирғонининг тупроқ қоплами структурасини тадқиқот учун худуднинг ички тузилишини ўрганиш лозим.

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғи ўз навбатида Киятджарган, Улдарё, Раушан, Ақбашли, Қипчоқдарё каби кичик дельталардан ва Амударё ўзан бўйи баландликларидан ташкил топган. Шу билаи бир қаторда дельтанинг чап қирғонида Қизилжар ва Мўйнок қирлари хам бор. Дельта чап қирғонининг суғориладиган худудларида Қўнғирот коллектор тизими ва Устюрт коллекторлари ҳавзалари жойлашган бўлса (жанубида), унинг шимолий қисми ўзлаштирилмаган бўлиб, асосан яйлов сифатида фойдаланади.

Дельта чап қирғонининг суғориладиган худудларида кўпроқ суғориладиган ўтлоқ ва суғориладиган - ботқоқ тупроқлари тарқалган Қўнғирот коллектор тизимининг қуи қисмида суғориладиган тупроқлар билан бир қаторда шўрхокларнинг хилма - хил турлари, ўтлоқ, ўтлоқ -тақирли тупроқлар ва кичик массивларда қум - чўл тупроқлари тарқалган. Қўнғирот. коллектор тизимининг бош ва ўрта қисмларидан асосан суғориладиган ўтлоқ тупроқлари тарқалган бўлиб, улар рельефнинг баландлик ва пастлик элементларида тарқалгандир. Бошқача қилиб айтганда, суғориладиган худудлардан суғориладиган ўтлоқ тупроқлари рельефнинг элементлари билан унчалик боғланмаган. Бу худудларда бошқа қонуният мавжуд, яъни рельефнинг элементларига боғлиқ ҳолда тупроқарнинг шўрланиш даражаса ўзгаради. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси эса ўз навбатида тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигига таъсир этади.

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғонининг тупроқ қоплами структурасини тадқиқот қилиш учун Ақбашли ва Қипчоқдарё кичик дельталари

шимолида тупроқ типларини рельеф элементлари (баландликлар, пастликлар) билан боғлиқлигини ўргандик, Ақбашли ва Қипчокдарё кичик дельталарда тупроқ қоплами структураси мезорельеф билан чамбарчас боғланган, яъни кичик дельталарнинг юқори қисми қуи қисми томон қонуний равшида тартибли ўзгариб боради, мисол учун, ўтлоқ - тақирли тўқай ва ўтлоқ - тақирли тупроқлар кичик дельталарнинг бошланғич қисмидаги баландликларда тарқалган. Уларнинг механик тарқибида асосан қумлоқлар устунлик қиласди.

Дельталарининг бошланғич ва ўрта қисмидаги баландликларда тарқалган. Ўтлоқ - тақирли тупроқлар ўтлоқ-тақирли тўқай тупроқлардан фарқ қилган ҳолда баъзи ҳолдарда ўзанлараро пастликларда ҳам учрайди. Бунга асосий сабаб, ўтлоқ-тақирли тупроқлар механик таркиби хилма - хил бўлган дарё ётқизиқларида тараққий этади. Яъни механик таркибида қумлоқ устунлик қилган ўзан бўйи баландликларида ва механик такибида қумоқ, соз устунлик қилган. Кичик дельталарнинг қуи қисмларида шўрхокларнинг хилма - хил турлари, ўтлоқ тупроқлар ва ўтлоқ - тақирли қолдиқ ботқоқ тупроқлар тарқалган бўлади, яъни суғорилмайдиган худудларда кичик дельтачарда тупроқ қоплами структураси тўғридан - тўғри кичик дельталарнинг "даражтсимон" структураси билан боғланган бўлади. Ана шунинг учун ҳам, кичик дельталарнинг баландлик қисмларида тарқалган ўтлоқ-тақирли тўқай тупроқларнинг структураси ҳам "даражтсимон" структурага эга бўлади.

Дала экспедицияларида тўпланган тупроқ қоплами структураси ҳақидаги маълумотлар асосида Ақбашли ва Қипчокдарё кичик дельталарининг тупроқ қоплами структураси картаси тузилади, яъни бу карталар рельеф пластикаси картаси асосида яратилади. Тупроқ қоплами структураси маҳсус тематик карта бўлиб, маълум бир худуддаги тупроқ қопламининг рельеф элементлари билан бирикувани тасвиirlайди И.Н.Степановнинг(1986) таъкидлашича, "Тупроқ қоплами структураси картасида тупроқ типларининг қоплами рельеф структурасининг контурлари билан бириккан бўлиб, табиатдаги тупроқларнинг шаклларини кўрсатувчи тематик карталардир, яъни бу карталар тупроқ типлари ўртасидаги фазовий муносабатларини тўлиқ акс эттиради."

В.В.Докучаев (1953) ўз вақтида тупроқ ҳосил бўлишида рельефнинг рўли катта аҳамият бериб рельефга боғлиқ ҳолда қуидаги тупроқларнинг ҳосил булишини назарий асослаб берди: "нормал (сув айирғич тупроқлари), ўткинчи (ён бағирларнинг тупроқлари) ва анормал (пастлик тупроқлари)." Дельта шароитида тупроқларнинг ҳосил бўлиши ўзига хос қонунийатга эга. В.М.Боровский, М.А.Погребинский (1958) дельта шароитида тупроқларнинг ҳосил бўлишини тадқиқот қилиш натижасида лито - морфо - педогенез назариясини ишлаб чиқди. Яъни тупроқларнинг ҳосил бўлиши тараққиёти ва фазовий табақалашиши дарёлар олиб келган ётқизиқларининг механик

таркибига ва уларнинг географик тарқалишга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, дельта шароитида ётқизиқларнинг литологик таркиби, рельеф мавжуд.

Рельеф пластикаси усули асосида тузилган тупроқ қоплами структураси картасида авволамбор ҳар бир тупрок типларининг рельеф элементлари (баландлик ва пастликлар) билан боғлиқлиги аниқ тасвиранади. Тупроқ қоплами структураси картани тузишда карталарнинг масштаби ҳам катта амамий ахамиятгатга эга. Ана шунинг учун ҳам Амударё хозирги дельтаси чап кирғонинг тупроқ қоплами структураси картасини тузишда масштаби 1:1000 бўлган рельеф пластикаси карталаридан фойдаланиш лозим. Сабаб, бу масштабдаги рельеф пластикаси карталарида рельеф структурасининг барча элементлари аниқ тасвиранган бўладиб яъни ҳар бир кичик дельталардаги "дараҳтсимон" структуранинг бошланғич, ўрта ва қуий қисмлари аниқ кўрсатилган бўлади. Тупроқ қоплами структураси қайерида тупроқларнинг фазовий тарқалиши аниқ тасвиланди, яъни "дараҳтсимон" структурага эга бўлган кичик дельталарнинг ҳар бир қисмида (бошланғич, ўрта, қуий) ўзига хос тупроқ типлари мавжуд.

Рельеф пластикаси асосида тузилган тупроқ қоплами структураси карталарида генерализация босқичи ўзига хос тартибда амалга оширилади. Тупроқлар картографиясида ишлатилиб келинган усулда генерализация босқичи кўп ҳолларда ҳар бир мутахассиснинг билимидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилар эди.

Йирик масштабдаги тупроқ карталари ўрта ёки майда масштабга айлантирилганда механик равишда катга тупроқ контурлари кичик ҳолга келади. Бу механик равишда генерализация амалга оширилганда кичик тупроқ контурлари йуқ бўлиб кетади, яъни тупроқ турларининг рельеф билан боғлиқлиги йўқолиб кетади. Рельеф пластикаси усули асосида генерализация амалга оширилганда йирик масштабли тупроқ карталаридаги контурлар кичик масштабга айлантирилганда ҳам контурлар йуқ бўлиб кетмасдан, балки ҳар бир кичик тупроқ контурлари ҳам сақланиб қолинади. Шу билан бирга рельеф пластикаси усули асосида генерализация босқичи амалга оширилганда ҳар бир тупроқ типларининг рельеф билан боғлиқлиги сақланиб қолинади. Тупроқ қоплами структураси картаси рельеф пластикаси картаси асосида тузилса, карталарнинг масштабидан қатъий назар ҳар бир тупроқ контури рельеф элементлари билан боғланган бўлади.

Дельтанинг рельеф пластикаси картаси асосида тупроқ қоплами структураси картасини тузишда кичик дельталарнинг қуидаги элементларига яъни сув айирғич, ўтувчи ва пастлик қисмларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Энг авваломбор рельефнинг сув айирғич қисмига тегишли тупроқ типлари ажратилади, сўнг эса ўтувчи ва пастлик қисмларининг тупроқлари

ажратилади, сув айирғич қисмининг тупроқларни генерализация қилганда энг авваломбор ўтлоқ - тақирли тўқай, ўтлоқ - тақирли тупроқларнинг географик тарқалишига эътибор берилади. Ундан сўнг ўтувчи қисмининг тупроқлари генерализация қилинади, яъни Ақбашли Қипчоқдарё кичик дельталарининг ўтувчи қисмida ўтлоқ тақирли тупролари тарқалган бўлади.

Генерализация босқичининг энг сўнгги қисмida пастлик ҳудудларининг тупроқлари (ўтлоқ тупроқлари, ўтлоқ - ботқоқ. Шўрхокларнинг хилма - хил турлари) генерализация қиласади. Йирик масштабдаги тупроқ қоплами структураси картасини ўрта масштабдаги картага айлантирганда ҳар бир тупроқ контурлари узининг бошланғич шаклини сақлаб қолади, яъни рельеф пластикаси усули асосида генерализация босқичи амалга оширилганда ҳар бир тупроқ контурларининг рельеф элементлари билан боғлиқлиги сақланиб қолинади. Яна шунинг учун ҳам йирик масштабдаги тупроқ қоплами структураси картасини ўрта масштабга айлантирганда барча тупроқ контурларининг бошланғич шакллари сақланиб қолинади, яъни рельеф структураси қанчалик аниқ тасвиранган бўлса, тупроқ қоплами структураси ҳам шунчалик аниқ тасвиранади.

Суғориладиган ҳудудларнинг ер ресурларидан оқилона фойдаланишда коллектор зовур хавзаларининг ички структурасига катта эътибор бериш лозим. Бизга маълумки, коллектор зовур хавзаларининг ички структураси кичик дельталардан ташкил топган бўлади. Ана шунинг учун ҳам энг авваломбор кичик дельталарнинг тупроқ қоплами структураси ёки ер ресурсларини ўрганиш лозим Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғида жойлашган Кўнғирот коллектор тизими ҳавзаси ўз навбатда Киятджарган, Улдарё, Раушан каби кичик дельталардан ташкил топган. Бу кичик дельталарда асосан суғориладиган ўтлоқ тупроқлари тарқалган бўлиб, бу тупроқларнинг мелиоратив ҳолати дельталарнинг бошланғич қисмидан қуий қисми томон ёмонлашиб боради, яъни ер ресурслари асосан шўрланган ва кучли шўрланган булади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўгиш лозимки, тупроқ типлари кичик дельталарнинг “дараҳтсимон” структуралари билан бирикиб, турли сифатда ер ресурсларини ҳосил қиласди. Кичик дельталарнинг бошланғич қисмларида тарқалган тупроқларнинг сув-физик ҳоссалари яхши бўлиб, уларнинг механик таркибида асосан қумлоқ устунлик қиласди. Кичик дельталарнинг қуий қисмida жойлашган тупроқларнинг сув-физик, ҳоссалари салбий бўлиб уларнинг механик таркибида қумоқ ва соз устунлик қиласди. Шу билан бир қаторда бу тупроқлар ўта кучли шўрланган бўлади. Кичик дельталарда тупроқ қоплами структурасининг ва мелиоратив ҳолатининг қонуний равишда тартибли ўзгаришини суғориладиган ҳудудлардаги ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда албатта ҳисобга олинини керак бўлади.

Маълумки, географлар ва тупроқшунослар доимо маҳсус тематик карталарнинг тузилшига алоҳида эътибор бериб келганлар. Рельеф пластикаси картаси асосида тузилган тупроқ қоплами структураси карталарида доимо тупроқ типларининг рельеф структураси билан бирикуви аниқ тасвирланади. Ҳар бир тупроқ типлари кичик дельталар “дараҳтсимон” структурасининг маълум бир элементлари (бошланғич, ўрта, куйи) билан боғланган бўлади. Бу боғлиқлик янги типдаги карталарда аниқ тасвирланган бўлади. Шунинг учун ҳам бу типдаги тупроқ карталаридан амалиётда фойдаланиш, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл хосил олишда илмий асос бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, рельеф пластикаси картаси асосида тузилган тупроқ қоплами структураси картаси тупроқ типлари билан кичик дельталарнинг “дараҳтсимон” структураси ўртасидаги боғлиқликни ҳар томонлама аниқ тасвирлайди. Шу бидан бир қаторда бу карталарда тупроқларнинг мелиоратив холати ҳам кичик дельталарниг бошланғич қисмидан куйи қисми томон қонуний тартибда ўзгариб бориши тасвирланади. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда тупроқ қоплами структурасининг бундай қонуний ўзгариб бориши албатта эътиборга олиш лозим. Бу эса ўз навбатида, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга олиб келади ва бунинг оқибатида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги мақсимал бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тажиев Қ.Қ. Қичик худудлар тупроқ қоплами структурасини ўрганишда рельеф пластикаси карталаридан фойдаланиш Ўзбекистон география жамияти ахбороти.- Тошкент.2011, 37- жилд.
2. Уразбаев А.К. Хурсанов Д.Б. Амударё ҳозирги дельтаси ландшафтларининг структураси.- Самарқанд.2020
3. Степанов И.Н.Почвенные прогнозы.-М.:Наука, 1979.
4. Аденбаев Б.Е.Куи Амударёнинг гидрологик режими ва сув билан таъминланганлигининг ҳозирги холати.География фанлар доктори диссертацияси автореферати.-Т.: 2020
5. Азимов Ш.А.,Уразбаев А.К. География фанида тизимли усул ва ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда унинг ахамияти.//Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 21- ;жилд.- Тошкент.